

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ДИРЕКТОР  
ЖАМҒАРМАСИ ОРҚАЛИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Ботиров Лазизбек**

**Тошкент молий институти**

**Бюджет ҳисоби ва назорати мутухассислиги II босқич магистранти**

*Аннотация:* Ушбу мақолада умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришининг директор жамғармасини ташкил этиши, унинг маблағларидан фойдаланиши, педагог ходимлар, кутубхоначилар ва психологларнинг рағбатлантириши тартиби баён қилинган.

*Калит сўзлар:* Мактаб, директор жамғармаси, моддий рағбат, халқ таълими, педагог, кутубхоначи, психолог, маҳорат, олимпиада, Президент мактаби.

Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантириш директор жамғармаси ташкил этилади. Жамғарма умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқувчиларга таълим берадиган барча тур ва номдаги умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда мактаб-интернатларда ташкил этилади. Жамғармани ташкил этишдан мақсад умумтаълим муассасасида ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлиги ва сифатини оширишни рағбатлантириш, педагог, психолог ва кутубхона ходимларига ойлик устама белгилаш, умумтаълим муассасалари ходимларини мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам бериш, педагог ходимларнинг касб маҳорати ва малакасини оширишини рағбатлантириш ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, директор жамғармаси куйидаги вазифаларни бажаради:

умумтаълим муассасаларининг ўртак кўрсатган педагог (улар умумий сонининг кўпи билан 50 фоизи), психолог ва кутубхона ходимларининг

базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама белгилаш йўли билан уларни моддий рағбатлантириш;

умумтаълим муассасалари ходимларини мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам бериш;

тежалган маблағлар мавжуд бўлган тақдирда, ушбу маблағлар ҳисобидан ходимларнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича тўланмаган нафақаларни молиялаштириш<sup>1</sup>.

Айни вақтгача директор жамғармасининг фаолиятини тартибга солиб турувчи бир қатор норматив-ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2005 йил 25 ноябрдаги ПҚ–227-сон ҳамда 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ директор Жамғармаси фаолият юритади.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларда ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлиги ва сифатини оширишни рағбатлантириш, умумтаълим муассасалари ўқитувчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг уларнинг ўқув ва тарбия жараёнига кўшган шахсий ҳиссаси билан бевосита ўзаро алоқадорлигини таъминлаш, касб маҳорати ва малака ўсишини рағбатлантиришни кучайтириш, илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан умумтаълим муассасаларининг ўртак кўрсатган педагог кадрларни фаолиятининг натижавийлиги асосида рағбатлантиришнинг шаффоф тизими ҳуқуқий асосини топган.

---

<sup>1</sup> Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом // [https://nrm.uz/contentf?doc=601649\\_umumiy\\_o%20%80%98rta\\_talim\\_muassasalarining\\_o%20%80%98rnak\\_ko%20%80%98rsatgan\\_hodimlarini\\_rag%20%80%98batlantirishning\\_direktor\\_jamg%20%80%98armasini\\_tashkil\\_etish\\_va\\_uning\\_mablag%20%80%98laridan\\_foydalanish\\_tartibi\\_to%20%80%98g%20%80%98risida\\_nizom\\_\(o%20%80%98zr\\_vm\\_30\\_09\\_2019\\_y\\_823-son\\_qaroriga\\_1-ilova\)&products=1\\_vse\\_zakonodatelstvo\\_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=601649_umumiy_o%20%80%98rta_talim_muassasalarining_o%20%80%98rnak_ko%20%80%98rsatgan_hodimlarini_rag%20%80%98batlantirishning_direktor_jamg%20%80%98armasini_tashkil_etish_va_uning_mablag%20%80%98laridan_foydalanish_tartibi_to%20%80%98g%20%80%98risida_nizom_(o%20%80%98zr_vm_30_09_2019_y_823-son_qaroriga_1-ilova)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana)

Бу борада 2019 йил 23 октябрда қабул қилинган “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнатилган кўрсаткичларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом” алоҳида аҳамиятга эга. Унда педагог, психолог ва кутубхона ходимларига ойлик устама белгилаш, умумтаълим муассасалари ходимларини мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам беришни ташкил этиш, ишчи гуруҳга хужжатларни тақдим этиш, педагог, психолог ва кутубхона ходимларининг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устама белгилаш, умумтаълим муассасалари ходимларига белгиланадиган устамалар ва рағбатлантиришнинг бошқа турлари батафсил кўрсатиб берилган.

Директор Жамғармасидан педагог, психолог ва кутубхона ходимларини рағбатлантириш аниқ йўналишлари мавжуд. Яъни, педагог, психолог ва кутубхона ходимларининг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар тарбиявий жараённинг амалга оширилиш сифати ва самарадорлигига, синфдан ташқари ишларга ҳамда ўқувчиларни инсонпарварлик ва меҳр-оқибат руҳида тарбиялашга, тегишли синфлар ва ўқув фанлари учун тасдиқланган умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларида назарда тутилган билимлар ва кўникмалар тўлиқ ҳажмининг ўқувчилар томонидан ўзлаштириб олиниши даражасига ва ўқув жараёнига қўшилган аниқ ҳисса, ўқитишнинг юқори самарадорлиги ва сифати учун 40 фоизгача миқдорда белгиланади.

Педагог ходимларнинг фаолиятини баҳолаш мезонлари асосида тўплаган умумий баллари бўйича уларга қуйидаги миқдорларда устама ҳақ белгиланади: 65-70 балл тўпласа - 10 фоиз; 71-75-балл тўпласа - 15 фоиз; 76-80 балл тўпласа - 20 фоиз; 81-85 балл тўпласа - 25 фоиз; 86-90 балл тўпласа - 30 фоиз; 91-95 балл тўпласа - 35 фоиз; 96-100 балл тўпласа - 40 фоиз. Кутубхона ходимларининг фаолиятини баҳолаш мезонлари асосида тўпланган умумий баллари бўйича уларга қуйидаги миқдорларда устама ҳақ белгиланади: 65-75 балл тўпласа - 10 фоиз; 76-85-балл тўпласа - 15 фоиз; 86-100 балл тўпласа - 20 фоиз. Психолог ходимларининг

фаолиятини баҳолаш мезонлари асосида тўпланган умумий баллари бўйича уларга қуйидаги миқдорларда устама ҳақ белгиланади: 65-75 балл тўпласа - 10 фоиз; 76-85-балл тўпласа - 15 фоиз; 86-100 балл тўпласа - 20 фоиз. Умумтаълим муассасалари педагог, кутубхоначи ва психолог ходимларининг базавий тариф ставкаларига жамғарма ҳисобидан ҳар ойлик устамалар янги ўқув йили учун ўтган ўқув йили якунлари бўйича белгиланади<sup>2</sup>.

Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартибини амалиётга жорий этиш қуйидаги схема<sup>3</sup> орқали амалга оширилади:

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Мактаб	Мактаб педагогик кенгаш қарори, директорининг буйруғи билан умумтаълим муассасалари ходимларига ҳар ойлик устамалар белгилаш, мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам бериш бўйича мактаб ҳузурида Ишчи гуруҳ тасдиқланади.	Доимий Ҳар янги ўқув йили бошлангунга қадар

2-босқич	Ишчи гуруҳ	Мактабда фаолият	Ҳар йили
----------	------------	------------------	----------

<sup>2</sup> Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом // [https://nrm.uz/contentf?doc=601649\\_umumiy\\_o%20%80%98rta\\_talim\\_muassasalarining\\_o%20%80%98rnak\\_ko%20%80%98rsatgan\\_hodimlarini\\_rag%20%80%98batlantirishning\\_direktor\\_jamg%20%80%98armasini\\_tashkil\\_etish\\_va\\_uning\\_mablag%20%80%98laridan\\_foydalanish\\_tartibi\\_to%20%80%98g%20%80%98risida\\_nizom\\_\(o%20%80%98zr\\_vm\\_30\\_09\\_2019\\_y\\_823-son\\_qaroriga\\_1-ilova\)&products=1\\_vse\\_zakonodatelstvo\\_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=601649_umumiy_o%20%80%98rta_talim_muassasalarining_o%20%80%98rnak_ko%20%80%98rsatgan_hodimlarini_rag%20%80%98batlantirishning_direktor_jamg%20%80%98armasini_tashkil_etish_va_uning_mablag%20%80%98laridan_foydalanish_tartibi_to%20%80%98g%20%80%98risida_nizom_(o%20%80%98zr_vm_30_09_2019_y_823-son_qaroriga_1-ilova)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana)

<sup>3</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)), 2019 йил 30 сентябрь.

		<p>кўрсатаётган ўқитувчилар ҳамда кутубхона ходимларини фаолиятини тасдиқланган мезонлар асосида ўрганиб чиқиб баҳолайди ва 10 фоиздан 40 фоизгача базавий тариф ставкасига ҳар ойлик устама белгилаш тўғрисидаги қарор қабул қилади.</p> <p>Умумтаълим муассасаларининг ўрнатган кўрсатган ходимларини календарь йили давомида жами икки лавозим маошигача миқдорда мукофот тўлаш юзасидан қарорлар қабул қилади.</p> <p>Умумтаълим муассасалари ходимларига уларнинг мурожаатлари ёки касабаяушмаси кўмитасининг ташаббусига кўра моддий ёрдам белгилайди.</p>	<p>1 июлга қадар</p> <p>Календарь йили</p> <p>чорак якунида</p> <p>Мурожаатга асосан</p>
--	--	--	--

3-босқич	Ишчи гуруҳ	<p>Ҳар ойлик базавий тариф ставкаларига нисбатан 100 фоизлик устама ҳақ олишга даъвогар ўқитувчилар</p>	<p>Ҳар йили</p> <p>1 июлга қадар</p>
----------	------------	---	--------------------------------------

		<p>рўйхатини кўриб чиқиб, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига тақдим этади.</p> <p>Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими томонидан ташқи мониторинг тарзида баҳолаш натижалари асосида ҳар ойлик базавий тариф ставкаларига нисбатан 100 фоиз устамалар белгилайди.</p>	
--	--	---	--

4-босқич	Ишчи гуруҳи	<p>Худудий, республика ва халқаро фан олимпиадаларида совринли ўринларни қўлга киритган ўқувчиларни тайёрлаганлиги учун Умумтаълим муассасаларининг ўқитувчиларини директор жамғармаси ҳисобидан энг кам ойлик иш ҳақининг 5 бараваридан 50 бараваригача миқдорда бир марталик пул мукофоти билан тақдирлайди.</p>	Фан олимпиадалари яқунларига кўра
----------	-------------	--	-----------------------------------

5-босқич	Мактаб	Ишчи гуруҳнинг қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан мактаб директорининг	Доимий
----------	--------	---	--------

		буйруғини чиқаради.	
6-босқич	Мақтаб	Умумтаълим муассасасининг ҳаммага кўринадиган жойидаги ахборотлар стени хамда мактабнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида Ишчи гуруҳнинг қарори тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар мунтазам равишда эълон қилиб борилади.	Доимий

7-босқич	Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими	Ишчи гуруҳнинг қарорлари асосида қабул қилинган мактаб директорининг буйруғига мувофиқ умумтаълим муассасалари ходимларига ҳар ойлик устамаларни, мукофот ва моддий ёрдам пулларини тўлаб беради.	Доимий
----------	-----------------------------------	---	--------

Устама белгилаш, моддий рағбатлантириш ва моддий ёрдам бериш масалаларини ҳал этиш учун ишчи гуруҳ камида 7 кишидан иборат тоқ сонда тасдиқланади. Муассаса директорининг буйруғи билан ташкил этилади. Директорнинг ўзи – раҳбар, аъзолари - ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, касаба уюшмаси кўмитаси раиси, педагог ходимлари орасидан ҳамда умумий ўрта таълим муассасаси кузатув кенгаши ва ўқувчиларнинг ота-оналаридан

вакиллардан иборат бўлади. Ушбу ишчи гуруҳ таркиби ҳар ўқув йили бошлангунга қадар педагогик кенгаши томонидан қайта кўриб чиқилади.

Ишчи гуруҳ мажлиси бир йилда камида 1 марта, бошқа ҳолатларда эса зарурат туғилганда ўтказилади (*масалан, моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун*). Мажлис ишчи гуруҳ аъзолари умумий сонининг 2/3 қисми иштирок этса ваколатли ҳисобланади (кворум), бунда касаба уюшмаси ва ота-оналар қўмитаси вакилларининг иштироки мажбурийдир. Қарорлар оддий кўпчилик овоз бериши йўли билан қабул қилинади, ишчи гуруҳ раҳбари (директор) барча аъзолардан сўнг овоз беради, овозлар сони тенг бўлиб қолганда раҳбарнинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Ишчи гуруҳ аъзосига тааллуқли масала кўриб чиқиладиган бўлса, у мажлисда иштирок этмайди ҳамда бу ҳақда баённомада қайд этилади<sup>4</sup>.

Шунингдек, директор жамғармаси орқали умумтаълим муассасасининг педагог ходимлари фаолияти давомида халқаро баҳолаш дастурлари бўйича халқаро тадқиқотларга ўқувчиларни тайёрлаб бориш ишларига муносиб ҳисса қўшган учун, умумтаълим муассасасида ўқув-тарбия жараёни сифатини янада яхшилаш, фанлараро интеграцияни кучайтириш, таълим ва тарбия жараёнини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, STEAM ёндашувини самарали татбиқ этиш, таълим жараёнида педагог ходимларга ўз вақтида методик ёрдамни ташкил этиш, уларнинг касбий ва методик маҳоратини ҳамда малакасини оширишда фаоллиги учун моддий рағбатлантирилади.

Умумтаълим муассасаларининг ўрнатилган кўрсатилган ходимларини умумтаълим муассасасини ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси ва ўз фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун ҳамда республикамизда нишонланадиган байрам саналари муносабати билан уларга календарь йили давомида жами икки лавозим маошигача миқдорда мукофот

---

<sup>4</sup> Мактаб ходимларига устамалар қандай белгиланади // [https://www.norma.uz/qonunchilikda\\_yangi/maktab\\_hodimlariga\\_ustamalar\\_qanday\\_belgilanadi](https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/maktab_hodimlariga_ustamalar_qanday_belgilanadi)



пули тўлаш йўли билан моддий рағбатлантирилади. Ушбу тўловлар Жамғарма маблағлари доирасидан келиб чиққан ҳолда, йилига бир неча мартаба амалга оширилиши мумкин.

Шу билан бирга, халқаро математика олимпиадаси - International Mathematical Olympiad (IMO), Халқаро физика олимпиадаси - International Physics Olympiad (IPhO), Халқаро кимё олимпиадаси - International Chemistry Olympiad (IChO), Халқаро биология олимпиадаси - International Biology Olympiad (IBO), Халқаро информатика олимпиадаси - International Olympiad in Informatics (IOI) ғолибларини тайёрлаган ўқитувчилар ва таълим муассасаси директорларига навбатдаги ўқув йили учун Жамғарма маблағлари ҳисобидан олтин, кумуш ва бронза медалларига қараб тегишинча қўшимча 200, 175 ва 150 фоизлик устама ҳақ тўланади<sup>5</sup>.

Умумтаълим муассасалари битирувчиларининг олий ҳамда профессионал таълим ташкилотларига ўқишга кириш ҳамда ишга жойлашиш кўрсаткичлари асосида ҳар йили 1 февралга қадар ўтган йилги эришилган натижалардан келиб чиқиб, умумтаълим муассасалари раҳбар ходимлари қуйидаги меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорида рағбатлантирилади.

Президент мактабларига танлов асосида қабул қилинган ҳар бир ўқувчи учун тегишли умумтаълим муассасасининг мос (танлов, мусобақа, имтиҳон фанлари) фан ўқитувчиси Жамғарма маблағлари ҳисобидан базавий тариф ставкасининг икки баравари миқдорида бир йўла мукофот пули тўлаш йўли билан рағбатлантирилиши мумкин.

Умумтаълим муассасалари ходимларига моддий ёрдам уларнинг мурожаатига кўра ёки умумтаълим муассасаси касаба уюшмаси ташкилотининг ташаббуси бўйича фавқулодда ҳолларда, яъни яқин қариндоши (отаси, онаси, турмуш ўртоғи, фарзанди) вафот этганда, ходим ва унинг яқин қариндоши (отаси, онаси, турмуш ўртоғи, фарзанди)

---

<sup>5</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)), 2019 йил 30 сентябрь.

оғир жароҳат олганда, оғир касалликка чалинганда, ходим табиий офатдан зарар кўрганда кўрсатилади<sup>6</sup>.

Директор жамғармаси орқали моддий рағбатлантириш давлат томонидан педагог ходимларнинг фаол кўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Биргина Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан 2020 йил январь-июнь ҳолатига ўқитувчиларнинг жами иш ҳаққи фондига 321 млрд. 838.6 млн. сўм ажратилган. Директор жамғармасига ходимларнинг ойлик иш ҳаққи фондининг 12% миқдорида маблағ ажратилиши режалаштирилган, яъни бу маблағ 33 млрд. 714.4 .8 млн. сўмни ташкил қилади.

Жиззах вилояти Халқ таълими бошқармасига қарашли умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар 22169 нафарни ташкил этади. Директор жамғармасидан устама олувчи ўқитувчилар 7070 нафар. Бу жами ўқитувчига нисбатан 32,0% дир. Шундан икки тур устама бўйича 611 нафар, касб маҳорати учун устама олувчи ўқитувчилар 4081 нафарни, синфдан ташқари ва тарбиявий ишлар учун устама олувчи ўқитувчилар 2632 нафарни, устама олувчи кутубхоначилар 126 нафарни ташкил этади.

2020 йил июнь ҳолатига иш ҳақи 321 млрд. 838.6 млн. сўм ажратилган, директор жамғармасидан 33 млрд. 714 .80 млн. сўмни ташкил этиб, касб маҳорати учун 8 млрд. 428 млн сўм, синфдан ташқари ва тарбиявий ишлар 3 млрд. 371 млн. сўм, кутубхоначилар учун 2 млрд. 191 млн. сўм, моддий рағбатлантириш учун 15 млрд. 779.4 млн. сўм, моддий ёрдам учун 3 млрд. 944.8 млн. сўм миқдорида белгиланган<sup>7</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнатган ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 30 сентябрдаги 823-сон

---

<sup>6</sup> Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом // [https://nrm.uz/contentf?doc=601649\\_umumiy\\_o%20%80%98ta\\_talim\\_muassalarining\\_o%20%80%98rnak\\_ko%20%80%98rsatgan\\_hodimlarini\\_rag%20%80%98batlantirishning\\_direktor\\_jamg%20%80%98armasini\\_tashkil\\_etish\\_va\\_uning\\_mablag%20%80%98laridan\\_foydalanish\\_tartibi\\_to%20%80%98g%20%80%98risida\\_nizom\\_\(o%20%80%98zr\\_vm\\_30\\_09\\_2019\\_y\\_823-son\\_qaroriga\\_1-ilova\)&products=1\\_vse\\_zakonodatelstvo\\_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=601649_umumiy_o%20%80%98ta_talim_muassalarining_o%20%80%98rnak_ko%20%80%98rsatgan_hodimlarini_rag%20%80%98batlantirishning_direktor_jamg%20%80%98armasini_tashkil_etish_va_uning_mablag%20%80%98laridan_foydalanish_tartibi_to%20%80%98g%20%80%98risida_nizom_(o%20%80%98zr_vm_30_09_2019_y_823-son_qaroriga_1-ilova)&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana)

<sup>7</sup> Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси маълумоти. 31.03.2021.

қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 831-сонли қарори қабул қилинди<sup>8</sup>. Мазкур Қарор педагог, кутубхоначи ва психолог ходимларнинг рағбатлантириш тизими бўйича навбатдаги қадам ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, директор жамғармаси орқали умумтаълим мактаблари педагог ходимларини рағбатлантириш мактаб жамоасидаги ишчанликни оширади, ўз фаолиятидан қониқиш ва янги марралар сари интилишга йўл очади. Бугунги кунда умумтаълим мактаблари олдида катта вазифалар қўйилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш учун педагог ходимлар тегишлича рағбатлантирилиши муҳим.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнатилган қўрсаткичларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом // <https://nrm.uz/contentf?>
2. Мактаб ходимларига устамалар қандай белгиланади // [https://www.norma.uz/qonunchilikda yangi/maktab hodimlariga ustamalar qanday belgilanadi](https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/maktab_hodimlariga_ustamalar_qanday_belgilanadi)
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ([www.lex.uz](http://www.lex.uz)), 2019 йил 30 сентябрь.
4. Ўқитувчиларни Директор жамғармаси орқали моддий рағбатлантириш тизими такомиллаштирилди // <https://xs.uz/uzkr/post/oqituvchilarni-direktor-zhamgarmasi-orqali-moddiy-ragbatlantirish-tizimi-takomillashtirildi>

---

<sup>8</sup> Ўқитувчиларни Директор жамғармаси орқали моддий рағбатлантириш тизими такомиллаштирилди // <https://xs.uz/uzkr/post/oqituvchilarni-direktor-zhamgarmasi-orqali-moddiy-ragbatlantirish-tizimi-takomillashtirildi>